

СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРИНИ ИСБОТЛАШДА СУД-ТИББИЙ  
ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ



*Нормуродова Мавлюда Совиrowна - РСТЭИАМ  
Тошкент вилоят филиали олий тоифали давлат  
суд-тиббий эксперти*



*Лочинов Фарход Назарович - Тошкент тиббиёт  
академияси “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи”  
кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада РСТЭИАМ Самарқанд вилоят филиалини суд-биологик бўлимида ўтказилган экспертиза хулосаси натижалари берилган.

**Калит сўзлар:** суд тиббиёти, транспорт травмаси, ашёвий далиллар суд-тиббий экспертизаси.

**Аннотация.** В данной статье изложены результаты экспертизы, проведенной в судебно-биологическом отделе Самаркандского областного филиала РНПЦСМЭ.

**Ключевые слова:** судебная медицина, транспортная травма, судебно-медицинская экспертиза вещественных доказательств.

**Abstract.** This article presents the results of the examination conducted in the forensic biology department of the Samarkand regional branch of the Republican Scientific and Practical Center for Forensic Medicine.

**Key words:** forensic medicine, transport injury, forensic medical examination of material evidence.

**Мавзунини долзарблиги.** Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари иш фаолиятида гап инсоннинг соғлиги, ҳаёти ва ўлими устида борган ҳолларда, оғир жиноятлар, масалан, одам ўлдириш, номусга тегиш, қасддан тан жароҳати етказиш, йўл-транспорт ҳодисалари содир этилганда, номаълум мурдалар, жабрланувчи, айбланувчи, гумондорлар шахсини аниқлашда хизмат қилувчи ёки ўзида содир этилган жиноят белгиларини сақлаган биологик хусусиятга эга бўлган ашёвий далилларнинг суд-тиббий экспертизаси муҳим аҳамиятга эга.

Ашёвий далилларга қуроллар ва турли нарсалар қиради, кўпчилик ҳолатларда улар ёрдамида жиноят содир этилган бўлиши мумкин. Ашёвий

далиллар ҳар хил (жиноят содир этилган қуроллар, ўғирланган нарсалар, ҳужжатлар, жиноят содир этилган буюмларда, жабрланувчи ёки гумондор шахснинг қўллари ва кийимларида сақланиб қолган қонга ўхшаш доғлар, сўлак, шаҳват, сийдик, тер ва ҳақозолар излари, сочлар) бўлганлиги сабабли уларнинг текшириш учун нафақат суд-тиббий экспертлари, балки криминалистлар, ҳисобчи экспертлар, техник экспертлар ва бошқа соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Суд-тиббий экспертлари текшириш зарур бўлган ашёвий далилларни икки гуруҳга ажратиши мумкин. Биринчи гуруҳ - ўлим сабабини, мажбурлаш турини ва жароҳатларнинг ҳосил бўлиш сабабини аниқлашда ёрдам берадиган ашёвий далиллар. Масалан, мурда танасида топилган ўқ ашёвий далил ҳисобланади, бу эса ўз навбатида суд-тиббий экспертига ўлим сабабини ҳамда жароҳатнинг тавсифини аниқлашда ёрдам беради. Мурда пойафзали тагида топилган, электр токи таъсиридан вужудга келган “белги” ўлим сабабини ва жабрланувчи электр токи таъсир этган вақтда қандай ҳолатда бўлганлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳолларда жабрланувчининг пойафзали ашёвий далил ҳисобланади.

Ашёвий далилларнинг иккинчи гуруҳини биологик келиб чиқишга тааллуқли объектлар ташкил қилади. Бундай объектлар сифатида одам танаси қисмлари (соч, тирноқ, тери, суяк қолдиқлари) ҳамда ажратмалари (қон, сўлак, шаҳват, сийдик, тер ва х.к.з.) ва уларнинг хужайра элементлари, шунингдек, ҳайвонлар тўқималари (қон, сочлар, суяклар ва бошқалар) хизмат қилади. Текшириш натижасида уларнинг табиати, хусусиятлари (масалан, қон, соч, шаҳват), уларнинг одам ёки ҳайвонга ёки аниқ қайси шахсга тааллуқлиги аниқланади [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 10, 11].

Сўнгги йилларда транспорт воситаларининг сонини ошиши ўз навбатида транспорт травматизмининг кўпайишига олиб келди. Суд-тиббий экспертиза маълумотларига биноан транспорт травмаси бўйича ўтказилган экспертизаларнинг 90 фоизидан ортигини автомобил травмаси ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисалари қўп сонли механик жароҳатларни етказишини асосий қисмини ташкил этиш билан инсонлар ўлим ва ногиронлигига сабаб бўлмоқда [8, 9, 12].

Баъзан йўл-транспорт ҳодисасини содир этган ҳайдовчи ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетиши ва жиноятни яшириш ҳолатлари кузатилади. Ушбу ҳолатда гумон қилинаётган транспорт воситасида сақланиб қолган қонга ўхшаш доғлар, сочлар, тери, мушак ва ҳақозолар излари содир этилган жиноятни фош этишда муҳим ашёвий далил ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Суриштирув ва тергов идоралари ходимларига биологик хусусиятга эга бўлган ашёвий далилларнинг қўшимча гистологик

текширувлар билан биргаликда ўтказиш тўғрисида маълумот бериш.

**Тадқиқот материали ва усуллари.** Самарқанд вилоят ИИБ ЙХХБ терговчиси томонидан судга оид биологик экспертизаси тайинланлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилишича, ҳайдовчи бошқарувидаги “Ласетти” русумли автомашина марҳум К.И.ни босиб кетган. “Ласетти” русумли автомашина кўздан кечириш жараёнида автомашинанинг остки қисмидан қизил-кўнғир рангли тўқимага ўхшаш модда бўлакчалари ашёвий далил тариқасида олинган. Судга оид биологик экспертиза олдида ҳал этиш учун қуйидаги саволлар қўйилган: “1. Тақдим қилинаётган ашёвий далил, яъни тўқимага ўхшаш моддада қон доғлари борми, бўлса одамга ёки ҳайвонга тегишлими? 2. Агар одамга тегишли бўлса, қон доғларининг гуруҳий мансублиги аниқлансин? 3. Тўқима ва қон доғлари марҳум К.И.га ёки бошқа шахсга тегишлиги аниқлансин?”

Юқоридаги саволларни ҳал этиш учун экспертизага тақдим қилинган муҳрланган, бутунлиги бузилмаган алоқа конвертида кичик ўлчамли доқа бўлакчасида тўқ қизғиш-жигар рангли тўқимага ўхшаш моддаларнинг суд-биологик ва тўқима бўлакчаларини регионал келиб чиқишини аниқлаш мақсадида суд-гистологик текширувлари ўтказилди. Ушбу жараёнида тўқимага ўхшаш моддалар тақдим қилинганда қўшимча суд-гистологик текширувлар билан судга оид биологик экспертизаларни ўтказиш техникасидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси.** РСТЭИАМ Самарқанд вилояти филиалида ўтказилган суд-гистологик текширувида тўқимага ўхшаш биологик материалда инсон ёғ тўқимаси, мушак тўқимаси ва толали бириктирувчи тўқимаси аниқланди. Суд-биологик текширувида тақдим қилинган қон доғига ўхшаш моддаларда қон мавжудлиги “Амалларни бажариш йўриқномаси” (АБЙ) D. №130 асосида “Қон мавжудлигини қоғозда хроматографик усул билан аниқлаш” реакцияси ёрдамида ва қон доғлари (мушак тўқимасига ўхшаш моддаларда) тур мансублиги “Ҳалқали преципитация реакцияси” (Чистович-Уленгут усули) ёрдамида АБЙ D. №134 асосида аниқланди. Қон доғлари ва мушак тўқимасига ўхшаш моддалар гуруҳий мансублиги “Абсорбция-элюция усули” ёрдамида АБЙ D-1. D. №171 асосида аниқланди. Марҳум К.И.дан олинган қон Oαβ(I) гуруҳига мансублиги АБЙ D-1. №.D.137,138,140,142,285 асосида аниқланди.

Юқоридагиларга асосан аниқланган қон доғлари ва тўқималар ўзида Н антигени сақлаган одамдан, жумладан марҳум К.И.нинг қони ва тўқимасидан келиб чиқиши мумкилиги илмий-амалий жиҳатдан исботланди.

**Хулоса.** Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг суд-тиббий экспертлар билан биргаликда ишлашлари содир этилган жиноятларини очишда муҳим

аҳамият касб этади. Ҳодиса содир бўлган жойда биологик хусусиятга эга бўлган ашёвий далилларнинг тўғри топиш, йиғиш, ўраш, ўз вақтида тегишли суд-тиббий лабораторияларга юбориш ва замонавий текширувлар имкониятларидан кенг фойдаланиш экспертиза самарадорлигини оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. O‘zbekiston Respublikasi “Sud ekspertizasi to‘g‘risida”gi qonuni. 2010 yil 1 iyun.
2. “Sud-tibbiyot ekspertizasi tadqiqotlarini o‘tkazish tartibi to‘g‘risida nizam”. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 9-sonli buyrug‘i. 2025 yil 13 yanvar.
3. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Sud-biologik ekspertiza va tekshiruvlarni o‘tkazish qoidalari” to‘g‘risidagi 153-sonli buyrug‘iga 4-ilova. 2012 yil 01 iyun.
4. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining “Sud-tibbiy ekspertiza tekshiruvlarni o‘tkazish standartlarini tasdiqlash” to‘g‘risidagi 82-sonli buyrug‘i. 2015 yil 04 aprel.
5. “Amallarni bajarish yo‘riqnomalari”. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi Sud-tibbiy ekspertiza bosh byurosi 29-II-sonli buyrug‘i. 2013 yil 03 iyun.
6. Барсегянц Л.О. Судебно-медицинское исследование вещественных доказательств. Москва. 1999 г.
7. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа. Учебное пособие. Ташкент, 2023.
8. Lochinov F.N., Vaxriev I.I. Biologik tabiatga ega bo‘lgan ashyoviy dalillarning sud-tibbiy ekspertizasi. Monografiya. Toshkent, 2022.
9. Лочинов Ф.Н., Тожикулов Р.А., Хайдаров Я.К. Йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлимининг суд-тиббий таҳлили //Биология ва тиббиёт муаммолари. 2024, № 5. 238-241 б.
10. Томилин В.В., Барсегянц Л.О., Гладких А.С. Судебно медицинское исследование вещественных доказательств. - М., 1989.
11. Чарный В.И. Судебно-медицинское исследование крови и её следов. Судебная медицина. - Л., 1985.
12. Шодиев Г.Б., Бекназаров Ш.Й., Лочинов Ф.Н. Ўлимга олиб келувчи автожароҳатларни баҳолашнинг суд-тиббий мезонлари //ТТА ахборотномаси. 2023, 270 б.